



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATION G'UYALAR



КИТОБ – БЕҚИЁС ХАЗИНА

Рустамова Шабнам Руслан қизи

Манзил Тошкент вилояти Паркент тумани

Заркент қишлоғи Адолат қўчаси, 3-уй

Аннотация: Ушбу мақолада китобнинг инсон ҳаётидаги беқиёс ўрни, унинг маънавий дунёсига таъсири ва тарбиядаги аҳамияти ёритилган. Муаллиф китоб ўқиш орқали инсон қалби покланиши, фикрлаш доираси кенгайиши ва юксак мақсадларга эришиши мумкинлигини мисоллар орқали тушунтиради. Шунингдек, ёшлар орасида китобга бўлган қизиқишни ошириш, вақт ва маблағни тўғри сарфлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: китоб, маънавият, билим, тарбия, ёшлар, мутолаа, илм, онг, вақт қадри, ривожланиш

Асосий қисм:

Китоб – беқиёс хазина.

Китоб ўқиган инсоннинг қалбида, юрагида гина-адоват каби иллатлар бўлмайди. Аксинча, китоб мутолаа қилган инсоннинг қалби ҳам, онги ҳам фақат яхшиликларга тўлиб бораверади. Китоб – энг яхши ҳамроҳ, беминнат дўст ва тўловсиз ўқув маскани ҳисобланади.

Автомобилингизни калити бўлмаса, уни ҳайдай олмайсиз. Мобил телефонингизнинг кодини унутсангиз, у ҳам сизга хизмат қилолмайди. Китоб ҳам худди шундай — у инсон учун билим ва тараққиёт калити. Мен шу ёшимда китоб ҳақида шундай тасаввурга эга бўлдимки, китоб онамиз каби бизга бағрини очади. Уни меҳр билан ўқисак, у бизни баланд чўққиларга олиб чиқади.

Бадий китоблар эса инсонни янада чуқурроқ ўйлашга ундайди. Масалан, асарда қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, ўй-кечинмалари шундай тасвирланадики, ўқувчи уни кўз олдида гавдалантиради. Кино билан солиштирганда, китобдаги тасвирлар инсон қалбига янада яқинроқ таъсир қилади.

Афсуски, бугунги кунда баъзи ёшлар китоб сотиб олишга маблағни аяб, бошқа нарсаларга кўп сарф қилишади. Бир соатда овқатланиш ёки бошқа майда эҳтиёжлар учун катта маблағ сарфланади, аммо китобга келганда қизғанилади. Ҳолбуки, китоб йиллар давомида инсонга фойда келтиради, унинг ҳаётини ўзгартиради.

Ҳозирги ривожланган замонда билим олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Интернетдан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Лекин вақтни беҳуда сарфлаш ҳолатлари ҳам кам эмас. Шунинг учун ёшлигимизни қадрлаб, уни фойдали ишларга бағишлашимиз лозим.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'OYALAR



Агар китоб бўлмаганида, бобокалонимиз Алишер Навоий ҳақида қаердан билардик? Бугунги тараққиёт ҳам олимлар, мутахассислар ва илм аҳли меҳнати самарасидир. Демак, китоб – илм манбаи, илм эса тараққиёт асосидир.

Ота-оналар фарзандларига ёшлигидан китобга меҳр уйғотсалар, уларнинг келажаги янада порлоқ бўлади. Китоб ўқиган фарзанд албатта комил инсон бўлиб вояга етади.

Шу ўринда онамга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман. Кичкиналимда менга ўйинчоқлар ўрнига китоблар совға қилганлар. Бугун эса айнан шу китоблар туфайли билим олиб, ҳаётда ўз йўлимни топаётганимни ҳис қиламан. Онажон, сизга бу учун чексиз раҳмат!

Хулоса:

Китоб – инсонни юксакликка етакловчи энг ишончли йўлдошдир. Уни қадрлаш, мутолаа қилиш ва ёшлар орасида оммалаштириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

